

Сафга тизилгандан кейин ўқиладиган дуо



09:15 / 18.02.2025 2071

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши намозга келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни бошлаган эдилар. У киши сафга турганидан кейин:

نَيِّحُ لِّأَصْلِكَ دَابَّعِ يٰ تَوْتُ أَمَّ لَ ضَفَّ أَيْ نَتَّ أُمُّ لَلِ

«Аллоҳумма атиний афзола ма туътий ъибадакас солиҳийн» (Эй Раббим, менга солиҳ бандаларингга берадиган нарсаларингнинг энг афзалини бер), деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни тугатганларидан сўнг: «**Ҳозирги гапирган ким?**» дедилар. Ҳалиги киши: «Мен, эй Расулуллоҳ», деб жавоб берди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Отинг ўлдирилиб, ўзинг Аллоҳ йўлида шаҳид бўласан**», дедилар.

Насий ва Ибн Сунний ривоятлари.

Бухорий ҳам тарих китобларида Муҳаммад ибн Муслимнинг таржимаи ҳолида шу ривоятни келтирганлар.